«Денов вино-ароқ» акциядорлик жамияти акциядорларининг 2019 йил якуни буйича умумий йиғилиши

Б А Ё Н Н О М А С И

18 июль 2020 йил Денов тумани

Жамиятнинг 1365000 дона овоз берувчи оддий акцияси бор. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлардан 1339282 дона овозга эга бўлган 10 та акциядор ёки уларнинг вакиллари руйхатдан ўтди. Бу 98,11 % ташкил этади. Шундан Давлат активларини бошқариш агентлиги 51 % овозга эга.

Йиғилишни акциядорлик жамияти кузатувчи кенгашининг аъзоси **Б.Ахмедов** очиб, харакатдаги саноқ комиссиясининг маълумотига кўра бугунги йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг овоз берувчи акциялари сони **1339282** дона бўлиб, бу умумий акцияларнинг 98,11% ни ташкил этишини ва йиғилишни ўтказиш учун кворум борлигини билдирди.

Раис йиғилишни очиқ деб эълон қилиб йиғилишнинг ишчи органларини шакллантиришни сўради.

Раис йиғилиш иштирокчиларидан хайъат аъзоларини 3 кишидан иборат номзодини кўрсатишни сўради:

Акциядор **Х.Жураев томонидан С.Халиков, А.Саидов, Б.Ахмедовлар** номзоди хайъат аъзолигига кўрсатилди ва номзодлар овозга қўйилди:

Ёклаб 100 % овоз, қаршилар, бетарафлар йуқ.

Раис йиғилиш баённомасини расмийлаштириш учун йиғилиш котибиятига номзодлар кўрсатишни сўради:

Акциядор **А.Алтибоев** котибият номзодлигига **Б.Муминов** номзодини кўрсатди ва таклиф овозга кўйилди:

Ёқлаб 100% овоз берилди, қаршилар, бетарафлар йўқ.

Саноқ комиссиясига харакатдаги санок комиссияси аъзолари **Ф.Давлатов, Т.Хусанов, А.Бикмулина**лар сайландилар.

Раислик килувчи кун тартибидаги йигилиш регламенти тугрисида ахборот берди.

1. Жамият Кузатувчи кенгашининг 2019 йил якунлари тўғрисида хисоботи. Маърузачи – **Б.Ахмедов**, 5 минут.
2. Жамият Ижро органининг 2019 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги хисоботи хамда 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиклаш. Маърузачи – **А.А.Саидов**, 10 минут.
3. Жамиятнинг 2019 йил учун даромад ва харажат хисоботлари ва йиллик балансини тасдиклаш. Маърузачи – **И.Хамидов**, 5 минут.

4. Жамиятнинг 2019 йилдаги фаолияти буйича тафтиш комиссиясининг хисоботини хамда акциядорлик жамиятининг аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиклаш. Маърузачи – **И.Хамидов,** 5 минут.
5. Жамият тафтиш комиссиясини кайта сайлаш. Маърузачи – **Б.Ахмедов**, 5 минут.
6. Кузатувчи кенгаши аъзоларини сайлаш ва тасдиклаш. Маърузачи – **Б.Ахмедов**, 5 минут.
7. 2020 йил молиявий йил учун акциядорлик жамияти ташки аудиторини ва унинг хизматига тўланадиган хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини тасдиклаш. Маърузачи- **И.Хамидов**, 5 минут.
8. Акциядорлик жамиятининг 2019 йил учун дивидендлари микдори, тулаш муддатлари ва уларни туланиш тартибини тасдиклаш. Маърузачи- **И.Хамидов**. 5- минут.
9. Жамият бош директори билан имзоланган шартномани амал килиш муддатини узайтириш. Маърузачи- **Б.Ахмедов**, 5 минут.

Йигилиш регламенти йигилишда иштирок этган акциядорлар томонидан бир овоздан тасдикланди.

Кузатувчи кенгаши аъзоси **Б.Ахмедов** кун тартибидаги **биринчи масала** юзасидан маъруза қилиб қуйидагиларни гапирди:

Жамиятнинг Кузатув кенгаши «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига амал қилиб жамиятнинг устувор йўналишларини белгилаб жамият Уставида белгиланган Кузатув кенгаши ваколатларини амалга ошириб келди. Маъруза тезиси илова қилинмоқда.

Ўйлайманки, янги сайланадиган кузатув кенгаши аъзолари жамият бошқаруви ва жамоа аъзолари билан акциядорлик жамияти олдига қўйилган вазифаларни сўзсиз бажариб келади. Бунга барча имкониятлар етарли.

Маърузачига саволлар бўлмади.

Кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар ва бетарафлар йўқ

Кун тартибидаги **иккинчи масала** буйича жамият раиси **А.Саидов** маъруза қилди.

А.Саидов ўз сўзида 2019 йилда бажарилган ва эришилган ютуклар хамда камчиликлар, муаммолар бўйича сўзлаб, йилни қониқарли даражада якунланганлигини гапирди. Бундан ташқари маърузачи 2019 йилда 1877594,4 минг сўм соф фойда олганлигини гапирди. Маърузачи 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасида “Инқирозга қарши курашиш комиссияси”нинг 11.05.2020 йилдаги 22-сонли баёни талабларидан келиб чиқиб, харажатларнинг қисқартирилганлигини ва бажариладиган ишларга хам батафсил тўхтаб ўтди.

Маъруза тезиси илова қилинади.

Жамиятнинг 2020 йилги бизнес-режасини йиғилиш иштирокчиларига ўқиб эшиттириб режалаштирилган ишлар юзасидан ҳам ҳисобот берди ва 2020 йилги бизнес-режани тасдиқлаб беришларини сўради. Бизнес-режа илова килинмокда.

Маърузачига саволлар бўлмади.

Кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қарши ва бетарафлар йук.

Кун тартибидаги **учунчи масала** буйича жамият бош хисобчиси **И.Хамидов** маъруза қилди:

2020 йилда махсулот сотишдан тушган тушум 50886121 минг сўм бўлиб, қўшилган қиймат солиғи 7828338 минг сўмни, акциз солиғи 19998703 минг сўмни, маҳсулот сотишдан тушган соф тушум 23059080 минг сўм бўлган. Маҳсулотнинг таннархи 15864431 минг сўм бўлиб, сотилган маҳсулотнинг ялпи фойдаси 7194649 минг сўм. Жамиятнинг маъмурий бошқарув харажатлари 1146779 минг сўмни, *сотиш харажатлари 406735 минг сўм, бошқа давр харажатлари 2416696* минг сўмни, фаолиятнинг бошқа даромадлари 91113,4 сўмни, фоиз шаклидаги харажатлар 1003642 минг сўмни ташкил этган. Фойда солиғи тўлагунга қадар фойда 2311910,4 минг сўм бўлиб, фойда солиғи 434316 минг сўм бўлган. Натижада жамият 2019 йилни 1877594,4 минг сўм соф фойда билан якунлаган. Маъруза илова қилинмокда.

Маърузачига саволлар булмади.

Кун тартибидаги масала овозга қўйилди

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қарши ва бетарафлар йўқ

Тўртинчи масала буйича жамият тафтиш комиссияси аъзоси **З.Азимов** ҳисобот берди:

А.Умаров ўз сўзида жамиятнинг 2019 йилдаги фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ўқиб эшиттирди, ҳисоботда Жамият хазинасидан тарқатилган маошлар, кирим-чиқимлари, банкдаги пул муомилалари, ароқ ва вино ишлаб чикариш, хўжаликлардан узум қабул қилиш, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, жамиятнинг Устав жамғармаси, солиқ тўловлари, бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тафтишдан ўтказилганлигини гапириб ўтди.

З.Азимов 2019 йил жамиятнинг молиявий хўжалик фаолиятини текширишдан сўнг, аудитор томонидан берилган ҳулосани ўкиб эшиттирди ва ушбу ҳулосани тасдиқлаб беришни сўради. Тафтиш комиссияси ҳисоботи ва аудитор хулосаси илова қилинади.

Маърузачига саволлар бўлмади.

Кун тартибидаги масала овозга қўйилди.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қарши ва бетарафлар йўқ

Бешинчи масала юзасидан **Б.Ахмедов** ахборот берди.

Йиғилиш қарорига кўра тафтиш комиссиясини қуйидаги таркибда сайлаш тавсия этилади: **Қ.Маматқулов, М.Убайдов,Т.Халбаев.**

Маърузачига саволлар бўлмади.

Кун тартибидаги масала овозга кўйилди

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қарши ва бетарафлар йук

Олтинчи масала юзасидан **Б.Ахмедов** сўзга чиқиб қуйидагиларни гапирди:

-Жамият Кузатув кенгаши таркибига 5 кишидан иборат қуйидагилар номзоди

-«Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 11 мартдаги №1381/03-08 сонли хатига асосан **Ғ.Мадакимов, С.Халиков, Ж.Атаниязовлар**, қолганлари – Кузатув кенгашнинг таклифига асосан **Б.Ахмедов, Ш.Саидовлар** овоз бериш бюллетинига киритилган ва сайлов якунига кўра энг кўп овоз олган 5 киши кузатувчи кенгаш аъзолигига сайланган хисобланади. Сайлов бюллетинига киритилган номзодлар бирма бир таништирилди, уларга саволлар бўлмади.

Кун тартибидаги масала овозга қўйилди

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қарши ва бетарафлар йўқ

Еттинчи масала юзасидан **И.Хамидов** сўзга чиқиб қуйидагиларни гапириб ўтди:

2020 йил учун **«Осиё аудит» МЧЖ** аудиторлик компанияси билан шартнома тузишни таклиф қилди ҳамда акциядорлардан 2020 йил учун жамиятнинг аудитори этиб **«Осиё аудит» МЧЖ** аудиторлик компаниясини тасдиклаб беришларини сўради.

Маърузачига саволлар бўлмади.

Кун тартибидаги масала овозга қўйилди

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қарши ва бетарафлар йук

Кун тартибидаги **Саккизинчи масала** юзасидан сўзга **И.Хамидов** чиқиб қуйидагиларни гапириб ўтди:

Жамият 2020 йилда 2796314 минг сўм соф фойда режалаштирган бўлиб, хақикатда 1877594,4 минг сўм соф фойда билан якунлади. 2019 йил якуни бўйича олинган 1877594,4 минг сўм соф фойда яхлит суммада қуйидагича тақсимланади.

Соф фойдадан 15 фоизи - 281636,4 минг сумни капитализацияга, қолган 85 фоизи 1595958,0 минг сўмини Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш туғрисида»ги қонуннинг 50-52 моддаларига ҳамда “Инқирозга қарши курашиш комиссияси”нинг 11.05.2020 йилдаги 22-сонли баёни талабларига мувофиқ акциядорларнинг акцияси сонига қараб тенг равишда тақсимланиши ҳамда 1 дона акцияга 1169,20 сўмдан дивиденд, юридик шахслардан бошқаларига накд холатда ёки пластик карточкасига ўтказиб бериш оркали 2020 йил 19 сентябрга қадар тўлаб беришликни таклиф қилди.

Кун тартибидаги масала овозга қўилди

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қарши ва бетарафлар йук

Кун тартибидаги тўққизинчи масала юзасидан **Б.Ахмедов** сўзга чиқиб Ўзбекистон Республикаси қонуни талабига мувофик жамиятни корпоратив бошқариш мақсадида акциядорлик жамиятининг бош директори билан кузатув кенгаши (раиси) 1 йил муддатга шартнома тузилади ёки илгари тузилган шартноманинг амал қилиш муддати 1 йилга узайтирилади.

2019 йилда бош директор **А.Саидов** билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини 1 йилга узайтиришни кўриб чиқиш керак.

Ушбу масалага акциядорларнинг муносабат билдиришларини сўради.

Сўзга чиқдилар: акциядор **А.Умаров ва А.Алтибоев.**

Улар ўз сўзларида, бошқарув раисининг юқоридаги ҳисоботида кўрсатиб ўтилганидек 2019 йилда жамият эришган ютуқларида бош директор **А.Саидовнинг** катта хиссаси борлиги, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чикарилишининг технологиясини яхши биладиган, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур техникаларни ўзлаштирган, ишлаб чиқаришни иқтисодий нуқтаи назардан ташкил этадиган ва молия масалаларини чуқур ўзлаштирган, мутахассисдир. Мехнатни ташкил этишнинг илғор усулларини кўллайдиган рахбар деб гапирдилар.

Шу билан бирга **А.Саидов** номзодини жамият бош директор лавозимига кайта сайлаш ва илгари имзоланган шартноманинг муддатини бир йилга узайтириш таклифини киритдилар.

Сузга чиққан **С.Халиков** юқорида сўзга чиқиб жамият бош директори **А.Саидов** билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини 1 йилга узайтириш таклифини маъқуллади ва шу билан бирга Кузатув кенгашининг таклифига мувофиқ бошқарув аъзолигига 5 киши номзодини овозга қўйиш ва овоз бериш натижасига кўра 5 киши бошқарув аъзоси этиб сайланиши хақида айтиб ўтди.

А.Саидов, А.Саидов, Ш.Аллабердиев, Ф.Давлатов, И.Хамидов.

Кун тартибидаги масала овозга қўйилди

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қарши ва бетарафлар йук

Раислик қилувчи кун тартибидаги регламентга киритилган барча масалалар мухокама этилганлигини ва йиғилиш иштирокчиларидан сўзга чикувчилар бор йўқлигини сўради.

Сўзга чикувчилар бўлмади.

Раислик қилувчи йиғилиш иштирокчиларига кун тартибига киритилган масалалар бўйича овоз бериш бюллетени асосида овоз беришларини сўради.

Санок комиссияси томонидан тақдим этилган овоз бериш якуни бўйича «Денов вино-арок» акциядорлик жамияти акциядорларининг умумий йиғилиши:

К А Р О Р К И Л А Д И:

1.Кун тартибида кўрилган биринчи масала:

Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил иш якунлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиклансин.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йук.

2. Кун тартибида кўрилган иккинчи масала:

Жамият ижро этувчи органининг 2019 йилдаги иш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи хамда 2020 йил учун қайта кўриб чиқилган бизнес режаси тасдиқлансин.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йуқ.

3. Кун тартибида кўрилган учунчи масала:

Жамиятнинг 2019 йил учун даромад ҳисоботлари ва йиллик баланси тасдиқлансин.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ

4. Кун тартибида кўрилган тўртинчи масала:

Жамиятнинг 2019 йилдаги фаолияти бўйича тафтиш комиссиясининг хисоботи хамда акциядорлик жамиятининг аудиторлик текшируви хулосалари тасдиқлансин.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ.

5. Кун тартибида кўрилган бешинчи масала

Жамият тафтиш комиссияси таркибига **Қ.Маматқулов, М.Убайдов, Т.Халбаевлар** сайлансин.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ.

6. Кун тартибида курилган олтинчи масала:

Кузатув кенгаши аъзолари таркибига сайловлар натижасида кузатув кенгаши аъзолигига **Ғ.Мадакимов, С.Халиков, Ж.Атаниязов Б.Ахмедов, Ш.Саидовлар** тасдиқлансин.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ

7. Кун тартибида кўрилган еттинчи масала:

2020 молиявий йил учун акциядорлик жамияти ташки аудитори этиб **«Осиё аудит» аудиторлик компанияси** тасдиклансин ва унга хак тулаш микдорини белгилаш жамият кузатувчи кенгаши зиммасига юклатилсин.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ.

8. Кун тартибида кўрилган саккизинчи масала:

Акциядорлик жамиятида Жамият 2020 йилда 2796314 минг сўм соф фойда режалаштирган бўлиб, хақикатда 1877594,4 минг сўм соф фойда билан якунлади. 2019 йил якуни бўйича олинган 1877594,4 минг сўм соф фойда яхлит суммада қуйидагича тақсимлансин.

Соф фойдадан 15 фоизи -281636,4 минг сумни капитализацияга, қолган 85 фоизи 1595958,0 минг сўмини Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш туғрисида»ги қонуннинг 50-52 моддаларига ҳамда “Инқирозга қарши курашиш комиссияси”нинг 11.05.2020 йилдаги 22-сонли баёни талабларига мувофиқ дивидендга акциядорларнинг акцияси сонига қараб тенг равишда

тақсимланиши ҳамда 1 дона акцияга 1169,20 сўмдан дивиденд, юридик шахслардан бошқаларига накд холатда ёки пластик карточкасига ўтказиб бериш оркали 2020 йил 19 сентябргача деб белгилансин. Бунда юридик шахсларга пул ўтказиш йўли билан жисмоний шахсларга накд ва пластик карточкалар орқали тўлаб берилсин. Акциядорлар рўйхати илова қилинади.

Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ.

9. Кун тартибида кўрилган тўққизинчи масала:

Жамият бош директори билан имзоланган шартномани амал қилиш муддати 1 йилга узайтирилсин, шу билан бирга сайлов натижаларига кўра жамият бошкаруви аъзолари куйидаги таркибда тасдиклансин:

А.Саидов, Ф.Давлатов, Ш.Аллабердиев, А.Саидов, И.Хамидов.

А.Саидов- Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ

Ф.Давлатов- Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ

Ш.Аллабердиев- Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ

А.Саидов- Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ

И.Хамидов- Ёқлаб 1339282 овоз бердилар, қаршилар, бетарафлар йўқ

Раислик қилувчи йиғилиш иштирокчиларига ўз миннатдорчилигини билдирган холда умумий йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси: **Б.Ахмедов.**

Котиб: **Б.Муминов**

Баённома "22" июл 2020 йилда тузилди